

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI



IMOM BUXORIY SABOQLARI



3/2023

MUNDARIJA (2023/3)

Шовосил ЗИЁДОВ, Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ. Ҳофиз Кўҳакий Тошкандий ижодига оид кўлёзмалар таҳлили.....3

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Зохиджон ИСЛОМОВ. Шаҳодат калимаси таҳлиliga бағишланган грамматик асар.....5

Отабек МУҲАММАДИЕВ. Мовароуннахрда ҳадис илми таълими ва таҳсили.....7

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ. Туркистонда ҳукуматнинг маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимига нисбатан муносабати.....10

Холмамат РАУПОВ. Навоий кон-металлургия комбинатининг ташкил этилиши тарихи.....12

Феруза ДЖУМАНИЯЗОВА. Илк Ўрта Асрларда Бхаттаварён ва Кашмир турклари (Беруний асарлари асосида).....15

Ҳусан ХУШВАҚТОВ. 1920-1930 йилларда Ўзбекистонда пахтачилик тарихи ҳақида айрим мулоҳазалар.....18

Раъно УРАЗОВА. Авеста ёзувига доир айрим кайдлар.....20

Исмоилжон ХЎЖАХОНОВ. Амир Темур даври тарихий манбаларида турли ўзликларнинг акс этиши.....22

Бектош РАХИМОВ. Немис тадқиқотларида Каспийорти вилояти Мурғоб давлат хўжалиги фаолиятининг ёритилиши (XIX аср охири – XX аср бошлари).....24

Камол ХАЗРАТКУЛОВ. “Бухорои шариф” газетасида жадидлар ҳаракати маърифатпарварлик фаолиятининг ёритилиши.....27

Sirojiddin ABDUVOITOV. O‘zbekiston va Turkiya o‘rtasidagi aloqalarning rivojlanish tarixi.....30

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА. XX асрнинг 40-50 йилларида Бухоро меъморий обидаларининг таъмирланишига масъул ташкилот ва муассасалар.....33

Мухтарам ЯКУБОВА. Вопрос арийской миграции в исследованиях немецких авторов XIX – начала XX вв.....36

Абдулло САМИЕВ. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ветеринария тиббиётини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва уларни амалга оширишдаги муаммолар.....38

Ruxiddin PATXIDDINOV. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysida xalq tabobatining o‘rni va ahamiyati.....41

Pirnazar RAJAPOV. Buyuk Saljuqiylar davri (1038-1157) madrasalari faoliyati.....43

Muzaffar SUVONKULOV. O‘rta Osiyoda “turk” guruhi vakillari yashaydigan hududlar va ularning ichki etnik tarkibi.....47

Шерқўзи АБДУЛЛАЕВ. Янги Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ислохотларнинг бошланиши ва дастлабки натижалар.....48

Махмуд ҲАМРАЕВ. Амир Саид Олимхон шахсияти.....50

Зокир ТОҒАЕВ. Бухороликларнинг Туркия (Усмонийлар салтанати)даги маданий-маърифий уюшмалари тарихи (1905-1913 йиллар).....53

Умирилло ОРТИҚОВ. Россия империяси кўчирувчилик амалиётининг Еттисув вилояти туб аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига таъсири.....54

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Иброҳим УСМОНОВ. Ҳақим Термизийнинг усулул фикр ҳақида оид қарашлари.....57

Раҳматулло САЙФУТДИНОВ. Имом Бухорий – буюк муҳаддис.....59

Акбархон АСРОРОВ. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Самарқанд маърифатпарварлик адабиёти намояндalarидан бири Сабрий Муфтақирий мероси.....61

Ҳабибулло САҒДИЕВ. Комментарий к произведению тахави «Ақида» и их значения.....63

Мавжуда ГУЛАМОВА. Пайғамбарликни халқ учун аҳамияти ҳақида Қумушхонавийнинг ғоялари.....68

Йўлдошхон ИСАЕВ. Бужайрий нисбали ровийлар силсиласи.....70

Обид ХУРСАНДОВ. Аҳли суннанинг буюк икки олими.....72

نعمتو محمد عسى، التعريف بصاحب الهداية - الإمام المرغيناني - رحمه الله... 75

حسين بن محمد بشير ترككيف. أثر الإمام ابن حجر الهيتمي في تطوير المذهب الشافعي... 77

Шаҳноза РАСУЛОВА. Тошкент адабий муҳитида шоир Хислатнинг тутган ўрни.....79

НОДИР МАНБАЛАР

Баҳромхужа МАХАМАДХОДЖАЕВ. Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний каламига мансуб асарлар.....81

Zafar SHAMSIDDINOV. O‘zbek davlatchiligi tarixini o‘rganishda Nosiriddin Bayzoviyning “Nizom at-tavorix” (“Tarixlar tizmasi”) asarining ahamiyati.....83

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Диёржон АБДУЛЛАЕВ, Абдулазизбек ЎТКИРОВ. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада хайрия ва хомийлик фазилатлари: “Вақф” хайрия жамоат фонди фаолияти мисолида.....87

Тоҳир ХАТАМОВ. Мустақиллик йилларида тасаввуф таълимотининг тадқиқ этилиши.....90

Миродил ХАЙДАРОВ. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда диншуносликка оид фанларни ўқитишнинг аҳамияти.....93

Шукрулло УМАРОВ. “Сахиҳул Бухорий”нинг кенг тарқалишига асос бўлган нусхалар.....95

Mexrojiddin AMONOV. Zarafshon vohasida tasavvuf silsilalari (XV-XIX asrlar).....	97
Қобил ЗОҲИДОВ. Араб-мусулмон давлатчилиги ривожда дунёвий ва диний унсурларнинг ўзаро мувозанати.....	100
Doniyor MURATOV. Имом Суютийнинг хадис илмига қўшган ҳиссаси.....	102
Mirzomadi MIRZAYEV, Rahmatjon TO‘RAQULOV. Luqmon alayhissalom siyratining O‘zbek siyrat manbalaridagi talqini.....	105
Анвар ЮСУПОВ. Турон ва ислоннинг учрашув нуктаси.....	107
Яхъё АБДУРАХМАНОВ. Фатвонинг таърифи ва унинг турлари.....	111
Mansur ALIMOV. Mavloni Muhammad Qozining “Silsilat ul-orifin va Tazkiratus-Siddiqin” asaridagi tarixiy-tasavvufiy g‘oyalar.....	113
Олимхон ЮСУПОВ. Абу Ҳурайра розияллоху анхуга қилинган тухматларни бартараф қилишда тарихий манбалар асосида замонавий тадқиқотлар қиёсий таҳлили.....	115
118..... بعض المتون الفقهية عند الحنفية. شاموف عبدالله أورو نيكيوفيتش	

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА. Шукроналик – инсон камолотининг асоси.....	121
Yunus XOLIQOV. Millatlararo bag‘rikenglik madaniyatining yoshlar tarbiyasidagi o‘mi.....	123
Shaxlo MURZAYEVA. O‘zbekistondagi milliy madaniy markazlarning ijtimoiy-siyosiy asoslari.....	125

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Илхомжон САИДОВ, Равшан МАРДОНОВ. Шарқ ва Ғарб таълим фалсафаларининг ўзаро таъсирига асосланган маданиятлараро мулоқот.....	127
---	-----

Соҳибназар КАРИМОВ. Футувват фалсафасида комил инсон масаласи.....	128
Тунис ХОЖИЕВ. Ижтимоий ривожланиш замонавий концепцияларининг тарихий ретроспектив таҳлили.....	132
Хуршид ТОШОВ. “Онгни манипуляциялаш” феноменининг тузилмаси ва турлари.....	134
Фозил САТТАРОВ. Ўсмир ҳулқ-атвори ва унинг ижтимоий-маънавий ҳаёт билан боғлиқ детерминантларини ўрганиш.....	136
Раъно ТЎРОҚУЛОВА. Тафаккур тарзининг когнитив жиҳатлари.....	138
Соҳиба КАДИРОВА. Интеллект когнитивлик феномени сифатида.....	140

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Sohiba YAZDONOVA. Ta’lim va tarbiya jarayonini tashkillashtirishda kibermakon imkoniyatlari.....	142
Умид НОРБЕКОВ. Ёшларнинг фуқаровий онгини шакллантиришнинг институционал жиҳатлари.....	144

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Эргаш АХМЕДОВ. Тоталитар секталарнинг миллий маънавиятга салбий таъсири.....	147
Мунаввара ХИДИРОВА. Ёзувчи – халқ ва миллатнинг маънавий посбони.....	149



ИМОМ СУЮТИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ДОНИЁР МУРАТОВ

Ўзбекистон халқаро ислом
академияси доценти, PhD

Аннотация: Ушбу мақолада буюк олим Имом Жалолиддин Суютий фаолияти ҳақида маълумот берилган.

Таянч сўзлар: Суютий, Куръон, ҳадис, тарих, фикҳ, улум ал-ҳадис, улум ал-Куръон, наҳв, сарф.

Annotation: This article provides information about the activities of the great scholar Imam Jalaluddin Suyuti.

Keywords: Suyuti, Qur'an, hadith, histori, fiqh, ulum al-hadith, ulum al-Qur'an, nahw, sarf.

Аннотация: В данной статье представлена информация о деятельности великого ученого Имама Джалалуддина Суюти. **Ключевые слова:** Суюти, Куръан, ҳадис, история, фикҳ, улум аль-ҳадис, улум аль-Куръан, наҳв, сарф.

Ҳадис илмида асарларининг серқирралиги билан ажралиб турган олимлар кўпчиликини ташкил этади. Ўрта асрларда яшаган муҳаддислар орасида ижоди ва фаолияти билан ажралиб турадиган олим имом Суютидир¹ (849/1445-911/1506) [1:30]. У Жалолиддин лақаби билан машҳур бўлган [1:30]. Жалолиддин Суютий ёки имом Суютий номлари билан танилган. Шунингдек, муҳаддис, муфассир, имом, ҳофиз, исломий илмлар билимдони, тилшунос, адабиётчи ва шоир ҳамдир. Олим ўзининг «Ат-Таҳдудс би нийматиллаҳ» китобида исми Абдурахмон деб қўйилиши сабабини бир неча ривоят асосида келтириб ўтган [2:32-38]. Унинг Ибн Кутуб деган лақаби бўлган [3:IV:301]. Бунга сабаб отаси аёлига китоб олиб кел деб айтади, онаси китоблар турадиган жавонлар олдида борганда, тўлғоқ тутиб қолади ва ўша жойда имом Суютий туғилади.

Имомнинг отаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Бакр ҳам олим кишилардан бўлган. Хусусан, фикҳ, ҳадис каби илмларни эгаллаган ва имомлик ҳам қилган. Чунончи, имом Суютийнинг бобоси сўфий шайхлардан бўлганини олим ўз асарларида қайд қилган. Бу эса унинг зиёлилар оиласида вояга етганини кўрсатади. Бироқ имом Суютий 5 ёшлигида отаси вафот этиб, [4:X:75] етим қолган [5:II:82].

Имом Суютий Мисрнинг Асют шаҳридан бўлган. Шунинг учун унинг насаби ё Асютий, ё Суютий деб аталади. Асют Мисрнинг жанубий томонида жойлашган энг катта шаҳарларидан биридир.

Имом Суютий ўзи берган маълумотга кўра, Асют шаҳрида 849 ҳижрий йил Ражаб ойи бошларида туғилган [6:I:10] (милодий 03.10.1445 йилга тўғри келади). Олим 8 ёшига етмасдан Куръони каримни тўлиқ ёд олган. Кейин Имом Нававийнинг «Ал-Минҳож», «Умдат ал-аҳком», «Алфият Ибн Молик» ва Байзовийнинг «Ал-Минҳож» асарларини ҳам ёдлаб, уларнинг ҳар бирини бир қанча устозларидан ёзиб олган. Сўнг бошқа асарларни ўзлаштирган. Бу ҳолат унинг илм олишни эрта бошлаганини кўрсатади.

Илм талабида сафар қилиш толиби илм учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳатто бу борада муҳаддис Хатиб Бағдодий «Ар-Риҳла фи толаб ал-ҳадис» асарида ҳадис ўрганиш

учун бошқа жойларга сафар қилиш борасида батафсил маълумот берган. Имом Суютий ҳам илм талабида бошқа жойларга сафар қилишга алоҳида эътибор берган.

Имом Суютий илк марта Маккага ҳаж амалини бажариш учун борган даврда 20 ёшда бўлган ва сафар ўн йилга чўзилган. Бу жараёнда Макка ва Мадинадаги олимлар билан учрашиб, илмини оширган ва ҳатто олган фойдаси ҳақида «Ан-Наҳла аз-закия фир-р-рихлат ал-Маккия» ва бошқа асарларида ёзган. Сўнгра Мисрга қайтиб, турли шаҳарлардаги олимлар билан мулоқотга кирган. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, имом Суютий Хижоз ва Миср шаҳарларида илмини оширган. Шу билан бирга манбаларда унинг Яман, Шом, Мағриб, Такрур (Суданнинг ғарбий томонидан Атлантика океанигача бўлган ва йўқолиб кетган мамлакат номи) каби мамлакатларга боргани ҳақидаги маълумотлар учрайди. Лекин булар аниқ эмас.

Имом Суютийнинг ўзига хос хислатларидан бири – сафар жараёнида бўлиб ўтган воқеалар, устозлари ва улар билан бўлиб ўтган суҳбатларини ҳам китоб қилиб ёзгани эди. Суютийнинг ўзи ҳадис эшитган, унга ижозат берган, шеър ўқиган устозларини катта мўъжамга жамлаган [7:43]. Чунончи, олим устозлари борасида бир қатор «Муъжам»² китобларини ёзган. Бу орқали устозларининг сони, улардан қандай ҳадис ва шу кабиларни ривоят қилганини аниқлаш имконини беради.

Умумий ҳисобда Суютий устозларини тўрт табақага бўлади. Биринчиси, Фахр ибн Бухорий, Шараф Диметий, Сулаймон ибн Ҳамза ва бошқалар. Иккинчиси, Сирож Балқиний, Абул Фазл Ироқий ва бошқалар. Учинчиси, Шараф ибн Кувайк, Жамол Ҳанбалий ва бошқалар. Тўртинчиси эса Абу Зуръа ибн Ироқий, Ибн Жазарий кабилардир. Бироқ имом тўртинчи табақадаги устозларидан китобларида ҳам бирор нарсга ривоят қилмаган [7:43].

Манбаларда имом Суютийнинг олим бўлиб етишишига қуйидагилар катта таъсир ўтказгани зикр қилинади: Кофияжий, Аҳмад ибн Муҳаммад Шумунний Ҳанафий, Аҳмад ибн Али Шормасоҳий, Солих ибн Умар ибн Раслон

² Муъжам (араб. المعجم - луғат, қомус) – ҳадис тўплами тури. Истилоҳда мусанниф (ҳадис тўплаётган киши) ўз шайхлари (устозлари) бўйича ҳадисларни келтириши. Шунингдек, саҳобий, муайян шаҳарлардаги ровийлар асосида ёки шунга ўхшаш услубларда тўпланган китоб тури. Муъжамни тузишда шайхларнинг тартиби қуйидаги ҳолатларнинг бирига кўра амалга оширилади: 1. Шайхнинг аввал вафот этганига кўра; 2. Шайхлар исми алифбо ҳарфлари тартибига кўра; 3. Шайхнинг фазилят, илм ва тақводга устунлигига кўра.

¹ Имом Суютийнинг тўлиқ исми Абдурахмон ибн Муҳаммад Камалиддин Абул Манокӣб Абу Бакр ибн Носириддин Муҳаммад ибн Собикиддин Абу Бакр ибн Фахриддин Усмон ибн Носириддин Муҳаммад ибн Сайфиддин Хизр ибн Нажмиддин Абу Салоҳ Айюб ибн Носириддин Муҳаммад ибн шайх Хумиддин Абул Фазл Жалолиддин Хузайрий Асютийдир.

Булқиний, Абу Бакр ибн Садақа Муновий. Олимнинг ўзига хос жиҳати шуки, ўзи шофеий мазҳабида бўлса-да, бошқа йўналиш олимларидан ҳам дарс олган. Масалан, ханафийлардан Шумунний ва Кофияжий, моликийлардан Нажмуддин Абдурахмон ибн Абдулворис ва Абдуғаний Муҳаммад ибн Аҳмад Тоий, ханбалийлардан Аҳмад ибн Иброҳим, Изуддин Киноний ва бошқаларни санаш мумкин.

Аёллардан ҳам устози бўлиб, манбаларда улар 40 нафардан кўпроқ эди, деб кўрсатилади. Осиё бинт Жоруллоҳ ибн Солиҳ, Омина бинт Мусо, Ҳадича бинт Аҳмад, Умму Ҳони бинт Абул Ҳасан ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Замонавий олимлардан Иёд Холид имом Суютий ҳаётини ўрганиб, қуйидагича фикр билдиради: “Суютий устозларининг вафот этган йиллари ўрганилса, кўп қисми ҳижрий 870-880 (милодий 1466-1475) йиллар оралиғида эканини кўрамиз. Суютий бу вақтда 20 ва 30 ёшлар атрофида эди. Бу унинг 30 ёшга тўлмасдан тўлиқ олим бўлиб етишганини кўрсатади” [1:68].

Суютийнинг кўплаб шогирдлари ҳам бўлган. Бироқ уларнинг сонини билиш имкони йўқ. Шундай бўлса-да, тадқиқотчи олимлар ўз асарларида улар орасидан энг кўзга ташланадиганларни келтиришга ҳаракат қилган. Улардан Иброҳим ибн Абдурахмон Алқамий Шофеий (ваф. 994/1586), Ибн Матир, Аҳмад ибн Али ибн Закарийе (ваф. 888/1483), Аҳмад ибн Тоний Бек, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳайтабий (ваф. 978/1570), Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ҳанафий (ваф. 948/1541), Қосим ибн Умар Қайровоний (ваф. 927/1521), Ибн Тулун Димашқий номи билан машҳур Муҳаммад ибн Али (ваф. 953/1546) ва бошқаларни санаб ўтиш керак. Зеро, шогирдларини ўрганиш жараёнида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, улар орасида тўрт мазҳаб олимлари ҳам мавжуд бўлиб, ёш жиҳатдан имом Суютийдан ҳам катталари бор эди.

Шогирди Абдуқодир ибн Муҳаммад Шозилий бундай деган: «Шайхул ислом..., Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам)лар илмлари меросхўри..., суннатни тирилтирувчи, бидъатни йўқотувчи..., олимлар султони..., ўз вақти ва замонасида муҳаддислар имоми..., муридлар тарбиячиси..., солиқлар муршиди...».

Бошқа шогирди муаррих Баҳоса ибн Иёс: «...кўп нарсани билувчи, ўз асрида нодир шахс, салафларнинг давомчиси, халафнинг таянчи, 600 га яқин асар ёзиб, илм ва амалда мужтаҳидлар даражасига етди», деган.

Шайх Абдулҳай Каттоний: “Мутааххир олимларнинг фахри, дин уламоларининг устун, ҳофизлар сўнгиси... Бу одам сўнги асрларнинг ҳифзда ва кўп асар ёзиш бўйича камёб кишиларидан эди”, деган.

Имом Суютий эгаллаган барча илм бўйича асарлар ёзган серқирра ва баракали олимлардандир. Чунки у доимо улуғлик ва афзалликка, ҳаёт майдонида шарафликка интилган. Шунингдек, оммага аралашиб юришдан сақланган, аҳли илмга ярашмайдиган ижтимоий муносабатлардан узоқда бўлган. Ёшлигидан Маҳмудия мадрасасига ва кутубхонага боғланган ҳамда баъзи масалаларга доир кичик рисоалар ёзган. Олим сафарда ҳам китоб ёзиш билан машғул бўлган. Шу ва бошқа сабаблар туфайли китобларининг сони

салмоқлидир.

Чунончи, унинг асарлари ҳозирги кун олими ва талабаси учун ҳам исломнинг барча соҳасида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда [8:1-11]. Манбаларда олимнинг 600 га яқин асар ёзгани айtilган бўлса-да [3:III:301], тадқиқотчи олим Иёд Холид 1194 та асари бўлганини келтирган, шулардан 331 таси нашр этилгани, 431 таси қўлёзма ҳолда экани ва 432 тасининг фақат номи маълум бўлиб, ҳалигача топилмаганини айтган [1:405]. Унинг асарлари орасида катта ҳажмдаги бир неча жилдли китоблар билан бирга, кичик ҳажмдаги рисоалар ҳам мавжуд.

Имом Суютий асарларини ёзилиш услубига кўра, бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, ўзидан олдин ўтган олимларнинг асарларини мазмунини қисқартириш ёки танлаб олиш. Тарихчи олим Ибн Асокирнинг (ваф.571/1176) “Тарихи Димашқ” ва бошқаларнинг асарларини қисқартирган.

Шарҳлаш йўлидан борган: Имом Бухорий, Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг ҳадисга оид машҳур асарларини шарҳлаган.

Баъзи соҳаларни шеърий услубда баён қилган. Масалан, ҳадис илмига оид “Алфия ас-Суютий фи мусталаҳ ал-ҳадис”ни келтириш мумкин. Шунингдек, бошқа услубларда ҳам китоб ёзган.

Қуръон тафсири бўйича “Ад-Дурр ал-мансур фи-т-тафсир бил маъсур”, “Тафсир ал-Жалолайн” (бу асарни охирига етказмаган, шогирди тугаллаган), “Хошия ала тафсир Байзовий” ва бошқаларни ёзган. Қуръон илми бўйича “Ал-Итқон фи улум ал-Қуръон”, “Ат-Таҳбир фи улум ат-тафсир”, “Ан-Носих вал мансукх” ва бошқа асарларини келтириш мумкин.

Ҳадис шарҳи бўйича Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Молиқнинг машҳур ҳадис асарларига шарҳ ёзган. Масалан, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”га “Ат-Тавших” номли шарҳ ёзган. Бу асарни олим Ризвон Жомеъ таҳқиқ қилиб, биринчи марта 1998 йилда 9 жилдда нашр эттирган [9].

Ҳадис илми бўйича эса “Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Нававий”, “Алфия фи мусталаҳ ал-ҳадис” (ҳадис илми шеърий услубда баён этилган) асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Имом Суютийнинг ўзи ҳам ҳадисларни жамлаган. Улардан «Жомеъ ал-кабир», «Жомеъ ас-сағир», «Жамъ ал-жавомеъ»ларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, муҳаддислар табақаси, ровийлар тарихи, жарҳ ва таъдилига оид асарлари ҳам бор. Шунингдек, муҳаддислар ўзининг Расулуллоҳ (С.А.В.)га бориб уланиши бўйича мавжуд маълумотларга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, санадида ўн нафар ровий бўлган уч ҳадисни келтирган [7:71].

Имом Суютийнинг фикр илми бўйича ҳам асарлари бўлиб, улар икки турга бўлинади: аввалги олимларнинг асарига шарҳ, хошия, мухтасар, назм ва ўзининг мустақил асарлари.

Масалан, имом Нававийнинг «Равзат ат-толибин ва умдат ал-муфтийин» асарини шарҳлаган, кейин унга хошия ёзиб «Ал-Азҳор ал-ғузза фи ҳавоший ар-равза», деб номлаган ва уни назм ҳолатида мухтасар ҳолга келтирган.

Фуруъ ва усулул фикҳ бўйича ҳам бир қатор китоблар ёзган. Масалан, «Тухфат ал-анжоб бимасала ас-санжоб», «Ал-Ҳовий лил-фатово», «Жуз фи солат аз-зуҳо», «Жазил ал-мавоҳиб фи ихтилоф ал-мазоҳиб», «Тақрир ал-иснод фи тайсир ал-ижтиҳод» ва бошқа асарларни келтириб ўтиш мумкин.

Зеро, олим шофеий мазҳабида бўлиши билан бирга, бошқаларни ҳам ҳурмат қилган. Буни «Табйиз ас-саҳийфа би манокӣб Аби Ҳанифа» асарида Имом Абу Ҳанифанинг ислом динига қилган хизматлари ҳамда устоз ва шогирдлари ҳақида маълумот келтирганидан ҳам билиш мумкин. Бу асарда Расулуллоҳ (С.А.В.)дан ривоят қилинган «Агар дин сурайё(юлдуз)да бўлса ҳам, Форсдан бир киши уни олиб кетади», деган ҳадисни Абу Ҳанифага қаратилганини айтиб ўтган [10:33].

Чунончи, Жалолиддин Суютийнинг «Ал-Лолаий ал-маснуа фи-л-аҳодис ал-мавзуа» асари сохта ҳадислар бўйича ёзилган энг яхши китоблардан биридир. Муаллиф кўплаб сохта ҳадисларни кўрсатиб ўтган. Шунингдек, олимлар томонидан фойдали китоблардан бири деб тан олинган. Юқоридаги китобига илова сифатида «Зайл ал-лолаий ал-маснуа» асарини ҳам ёзган. Олимнинг шу соҳадаги кейинги асари «Таҳзир ал-хавос мин ақозиб ал-қуссос»дир. Бу асарда турли қиссачилар томонидан тўқилган сохта ривоятлар ва уларнинг инсонлар онгига салбий таъсирини кўрсатиб берган. Олим «Ат-Таъкубот ала ал-мавзуот» асарини муҳаддис Ибн Жавзий йўлига асосланиб ёзган. Аввалига ҳадис зикр қилиниб, кейин Ибн Жавзий зикр қилган иллатини айтиб, охири ўз сўзини келтирган. Асарда 300 та ҳадис жамланган.

Шунингдек, Имом Суютийнинг (ваф.911/1505) «Асбоб вуруд ал-ҳадис» (ёки «Ал-Лумаъ фи асбоб ал-ҳадис») асари ҳадисларнинг ворид бўлиш, яъни айтилиш сабабини ўрганадиган илмга бағишланган бўлиб, шу мавзу бўйича бизгача сақланган биринчи китобдир. Бу асар тартиби осонлаштирилиб, нозик иборалар, ортиқча сўзлардан холи экани билан ажралиб туради. Муаллиф ҳар бир бобни бир неча муттасил иснодли ҳадислар билан келтириб, сўнг ҳадиснинг ворид бўлиш, нима учун айтилгани сабабини маълум қилади. Ҳадисни келтиргандан сўнг унинг ворид бўлиш сабабининг иснодини саҳобадан бошқасини тушириб қолдиради [11:279].

Бундан ташқари, грамматика, адабиёт, тилшу-носликнинг барча соҳаларига оид асарлари ҳам мавжуд. «Алфия фи-н-наҳв ва-с-сарф ва-л-хатт», «Шарҳ тасриф ал-Иззий», «Унвон ад-дивон фи асмо ал-хайвон» ва бошқа

қатор асарларини келтириш мумкин.

Айниқса, тиб илмига бағишланган «Ар-Роҳма фи-т-тибб ва-л-ҳикма» ва «Ат-Тибб ан-Набавий» номли асарлар ёзганидан, унинг табиий фанлардан ҳам хабардор олим эканини кўриш мумкин.

Умуман олганда, имом Суютий ўзи эгаллаган барча соҳалар бўйича китоб ёзган. Буни котиб Аҳмад Жалолиддин Моликий томонидан кўчирилган «Фихрист муаллифот Жалолиддин Суютий» асарида ҳам билиш мумкин [12:12].

Имом Суютий 40 ёшга етганда одамлардан узлатга ўтиб, асосан китоб ёзиш, уларни таҳрир қилиш, Аллоҳнинг ибодати билан вақтини ўтказишга ҳаракат қилган. Ҳатто бу вақтда ўзининг «Ал-Мақомат ал-луълувийя (ат-танфис) бил-иътизор ан тарк ал-ифто ва-т-тадрис» асарини ёзиб, унда нима учун узлатга ўтгани каби масалаларни ёритган [4:Х:76]. Ҳатто султон, амир ва бойлар унинг зиёратига келишар, уларнинг ҳадяларини эса рад этарди [3:III:301].

Олим умрининг сўнгги дамларини Қоҳира жанубида жойлашган Нил соҳилидаги уйида ўтказди [5:II:82]. 911/1505 йили Мисрда қўлида мавжуд касалликдан вафот этган. Шогирдларининг айтишича, одамларнинг кўплигидан олимга икки марта жаноза ўқилган. Ҳатто Дамашқда Уммавийлар масжидида ҳам ғоибона жаноза ўқилган.

Хулоса қилганда ислом оламида энг сермахсул олим сифатида ном қозонганлардан бири Имом Суютий ҳисобланади. Унинг асарлари сони бўйича олимлар турлича фикр билдирган. Ҳозирда олимнинг кўплаб асарлари қўлёзма ҳолда қолаётган бўлса-да, аксарияти бизгача етиб келмаган.

Имом Суютий ўз даврининг деярли барча фанларини ўзлаштирган мужтаҳид даражасига етган олимлардан эди. Ҳатто ўша давр олимлари қатори табиий фанлардан ҳисобланган тиббиёт илмини ҳам чуқур эгаллаган ва бу бўйича китоб ёзган. Асарлари орасида бир соҳага оид бир неча китобларни кўриш мумкин. Масалан, мухтасар, батафсил, бирор сурага ёки оятга бағишланган тафсиллари бор.

Олим ҳадис илми соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширган. Жумладан, Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Термизий, Ибн Можа ва бошқа муҳаддисларнинг ҳадис тўпламларига шарҳ ёзган. Шунингдек, ҳадис усулига оид асарлари ҳам диққатга сазовор олимлардан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Иёд Холид. Ал-Имом ал-хофиз Жалолиддин ас-Суютий. – Димашқ: Дор ал-қалам, 1996. – Б. 30.
2. Қаранг: Суютий. Ат-Таҳаддус би нияматиллаҳ. – Қоҳира: Матбаа ал-арабия, 1975. – Б. 32-38.
3. Хайруддин Зирклий. Ал-Аълом қомус ва таржум. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайин, 2002. – Т. 3. – Б. 301.
4. Ибн Имод. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1993. – Т. 10. – Б. 75.
5. Умар Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифин. – Байрут: Муассаса рисола, 1993. – Т. 2. – Б. 82.
6. Жалолиддин Суютий. Жоме ал-аҳодис. – Байрут: Дор ал-фикр, 2000. – Т. 1. – Б. 10.

7. Суютий. Ат-Таҳаддус би нияматиллаҳ. – Қоҳира: Матбаа ал-арабия, 1975. – Б. 43.

8. Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асоми ал-кутуб ва-л-фунун. – Байрут: Дор Ихё ат-турас ал-арабий, 1999. – Т. 2.

9. Қаранг: Суютий. Ат-Тавшиҳ шарҳ жоме ас-саҳиҳ. – Ар-Риёд: Мактаба ар-рушд, 1999.

10. Суютий. Табйиз ас-саҳийфа би манокӣб Аби Ҳанифа. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990. – Б. 33.

11. Абдулможир Ғоврий. Ал-Важиз фи таъриф кутуб ал-ҳадис. – Байрут: Дор Ибн Касир, 2009. – Б. 279.

12. Муаллифи номалум. Фихрист муаллифот Жалолиддин Суютий. Қўлёзма. 12 varaқ. <https://ebook.univeyes.com/178388>



**“Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q
va hech qachon bo‘lmagay”**

Imom Buxoriy